УДК 37.013.77

МЕДИАТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

А.Хужамкулов

Мақолада медиатаълим жараёнида талабаларда танқидий фикрлашни ривожлантиришнинг зарурати ва имкониятлари ёритиб берилган. Муаллиф медиасаводхонликнинг асосий мақсади сифатида медиахабар ва матнларга танқидий муносабатни ривожлантиришнинг концептуал асосларини очиб берган. Медиасаводхонликни ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар ҳамда ахборотларнинг глобаллашуви шароитида талабаларда танқидий фикрлашни ривожлантириш мазмуни ва педагогик шарт-шароитларини баён этган.

Калит сўзлар: *медиа, таълим, медиатаълим, медиасаводхонлик, медиахабар, медиаматн, фикрлаш, танқидийлик, муносабат, танқидий фикрлаш.*

В статье освещаются необходимость и возможности развития критического мышления у студентов в процессе медиаобразования. Раскрываются концептуальные основы развития критического отношения к медиаинформации и текстам как основной цели медиаграмотности. Описываются основные требования, предъявляемые к организации образовательного процесса, направленного на развитие медиаграмотности, а также содержание и педагогические условия развития критического мышления у студентов в условиях глобализации информации.

Ключевые слова: *медиа, образование, медиаобразование, медиаграмотность, медиаинформация, медиатекст, мышление, критичность, отношение, критическое мышление*.

Аудитория шакли ва ва мазмуни нуқтаи назаридан турли хил замонавий оммавий ахборот воситалари замонавий томошабин, тингловчи, китобхондан медиаматнлар (ахборотлар мазмунини ўзида акс эттирувчи ва коммуникация воситалари ёрдамида тарқатилувчи хабарлар) моҳиятини англаш ва танқидий таҳлил этиш, эстетик ва бадиий аҳамиятини асослаш, уларнинг шахс ривожланиши учун имкониятларини аниқлаштиришни талаб этади.

Миллий педагогикамизда медиакомпетентлик педагогикада умумий тарзда шахснинг турли кўриниш, жанр ва шакллардаги медиаматнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медиафаолиятининг мураккаб жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзида қаралади. С.Бабаджонов таъкидлаб ўтганидек, педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш масаласи фан ва амалиёт олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади [1. Б. 5]. Бироқ тадқиқотчи медиакомпетентлик компонентлари таҳлилида танқидий саводхонликни алоҳида қайд этиб ўтмаган.

Хорижий тадқиқотларда медиакомпетентлик компоненти сифатида медиа ахборотни мустақил баҳолаш ва танқидий талқин этиш кўникмасини шакллантиришни талаб этадиган танқидий саводхонлик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Компетентлик – “бирор бир муаммо учун маълум даражада аҳамиятлилик доирасини кенгайтиришга йўналтирилган шахс ҳаракатлари натижавийлигини баҳолаш натижасида унга бериладиган сифат тавсифи” [2. Б.10]. Таълимга татбиқан мазкур тушунча индивид эгаллаган қобилиятлар натижаси сифатида талқин қилинади. Айнан улар “инсонларга уларнинг мақсадларининг шахсий англаниши учун имкон яратади” [3].

Медиатаълим соҳасидаги кўплаб етакчи экспертлар [4] медиакомпетентлик (медиасаводхонлик) тушунчасини (сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, 84,27 % экспертлар медиатаълимнинг энг биринчи муҳим мақсади танқидий фикрлашни ривожлантиришдан иборат эканлигини эътироф этишган) қуйидагича талқин этишган:

Медиасаводхонлик (media literacy) – талабаларга медиани уларнинг ҳаётидаги аҳамиятини тушуниш орқали унга танқидий нуқтаи назардан мурожаат қилишга ёрдам беради. Медиасаводхон (media-literate) талаба медиаматнларни танқидий ва онгли баҳолайди, оммавий маданиятга танқидий муносабатда бўлишни қўллаб-қувватлайди ва медиа манипуляцияга қарши тура олади.

Медиасаводхонликни ривожлантиришга йўналтирилган таълим талабаларга қуйидаги имкониятларни тақдим этиши лозим:

- медиа реалликни фаол англашга ёрдам бе-

радиган таҳлил усулларини эгаллаш учун зарур қобилият, билим ва муносабатни ривожлантириш;

- медиаматнларни баҳолаш (appreciation) ва эстетик идрок этиш даражасини ривожлантириш;

- медиаматнлардаги маданий қадриятлар, амалий аҳамиятлилик, ғоя, мазмунни тушуниш ва баҳолаш учун қайта кодлай олиш;

- турли хил медиаматнларни тушуниш, таҳлил этиш ва техник жиҳатдан қўллай олиш;

- медиаматн муаллифи уни кўплаб – иқтисодий, сиёсий, ташкилий, техник, ижтимоий ва маданий мотивлардан келиб чиқиб яратишини англай олиш;

- ҳар бир инсон медиаматнларни танлаш ва таҳлил этиш жараёнига ўзининг қизиқишидан келиб чиқиб ёндашишини тушуниш. Мазкур жараён ва у билан боғлиқ моҳият психологик, ижтимоий ва табиий омиллар билан боғлиқ.

Медиасаводхонлик (media literacy) – "медиаматнларни ўзлаштириш, таҳлил этиш ва яратиш қобилияти".

Медиасаводхонлик (media literacy) – турли шакллардаги хабарлардан (messages) фойдаланиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва узатиш қобилияти.

Медиасаводхонлик (media literacy) – медиа фойдаланиладиган кодли ва репрезентацион тизимлар, замонавий дунёда медиани ижтимоий-маданий ва сиёсий нуқтаи назардан тушуниш, медиаматнларни идрок этиш, яратиш, таҳлил этиш, баҳолаш қобилияти ривожланган медиасаводхон шахсни тайёрлаш жараёни; бундай инсоннинг ҳаёти фуқаролик масъулиятининг тўлиқ англаниши билан боғлиқ.

Айрим тадқиқотчилар медиасаводхонликнини медиамаданиятнинг компоненти сифатида ҳам талқин этишади. Масалан, Н.Рустамова "шахс медиамаданияти" тушунчасига қуйидагича таъриф берган: "Шахс медиамаданияти шахс маданияти учун зарур қисм бўлиб, оммавий медиа турлари, улар орқали тарқатилаётган ахборотлар билан танишиш, уларни танлаш, саралаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида тегишли соҳалар бўйича назарий билим, амалий кўникма, малакаларни ўзлаштириш, пухта эгаллаш, ушбу билимларни касбий, кундалик, маданий, маънавий ва маърифий (амалий) фаолиятда маҳорат билан қўллай олиш қобилиятларининг йиғиндиси" [5. Б. 10]. Тадқиқотчи ўз фикрини давом эттириб, моҳиятига кўра шахс томонидан медиамаданиятнинг ўзлаштирилиши стихияли жараён бўлмай, бир неча босқичда эволюцион ривожланишга асосланиши, шахсда медиамаданиятни шаклланиш жараёнининг умумий моҳияти: медиасаводхонлик, медиабилимдонлик, медиамаҳорат ва медиакомпетентликда ўзининг тўлиқ ифодасини топиши ҳақидаги хулосага келган.

Ҳозирги вақтда кўплаб педагоглар ривожлантирувчи, шу жумладан, танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияларини қўллашга катта эътибор қаратишмоқда. "Педагогик энциклопедик луғат"да фикрлаш "янгини излаш ва кашф этишнинг бевосита нутқ билан ижтимоий боғлиқликка эга психик жараён, таҳлил ва умумлаштириш давомида борлиқни бевосита ва умумлашган тарзда акс эттириш жараёни. Фикрлаш ҳиссий билишдан амалий фаолиятга қараб бориш асосида юзага келади", деб изоҳланган [6. Б. 431].

Шуниси аниқ маълумки, замонавий инсоннинг фикрлаш жараёни ахборот билан бевосита боғлиқ: босма, аудиовизуал: "фикрлаш куч, танлов, асослар келтиришни талаб этади. Агар мазкур жараён етарлича ривожланмаган бўлса, унда кишилар мустақил фикрлашда қийинчилик сезишади. Улар далилларнинг ишончлилик даражасини баҳолай олмайди.

Ахборотларни танлаб олиш кишиларнинг истаклари, қизиқишлари, қадриятга йўналганлиги, ёш ва гендер хусусиятлари кабилар билан боғлиқликда амалга ошади. Ахборотга ижодий ёндашув ва уни баҳолашнинг муҳим омилларидан бири фикрнинг танқидийлиги саналади. Танқидийлик "танлов вазиятида ҳаракатни амалга ошириш ва муқобил қарорлар қабул қилиш, нотўғри қарорлар чиқаришдан сақланиш кўникмаларига эга бўлишни талаб этади" [7. Б. 75].

Танқидий фикрлаш – ахборотларни ўзлаштиришдан бошланадиган ва хулоса чиқариш билан тугалланадиган мураккаб ўйлаш жараёнидир. Танқидий, яъни онгли, таҳлилий фикрловчи кишилар учун ахборотларни оддий тарзда тушуниш, ўқитишнинг охирги босқичи эмас, балки узатиш нуқтасидир.

Танқидий фикрлашга эга бўлган талаба у ёки бу ғоялар билан танишади, уларнинг кейинчалик амалга оширилганда келиб чиқадиган оқибатларини кўра билади. Шу билан бирга, у натижаларни унчалик ишонмасдан қабул қилади ва қарамақарши нуқтаи назарлар билан таққослайди. Уларни асослаш учун у ёрдам берувчи мулоҳазалар тизимларини тузади ва шу асосда ўзининг тутган ўрнини аниқлайди. Танқидий фикрлаш – фикр ва имкониятларни мураккаб, ижодий яхлит ҳолга келтириш, ахборот ва концепцияларнинг моҳиятини ўзгартириб, уларни қайтадан мушоҳада этишнинг жиддий жараёнидир [8]. Бир сўз билан айтганда, танқидий фикрлаш билиш фаолиятининг юқори даражасидир.

Танқидий фикрлаш рецепт берилиши ёки унга қараб "етти қадам" босилиши билан шаклланиб қолмайди. Танқидий фикрлаш – ўрганиш предмети эмас, балки ўргатиш натижасидир. Бу инсоннинг фикрлаши учун таянч нуқтасидир. У

эса ўрганувчига ахборотни қаттиқ назорат қилиш имконини беради, шундай қилиб талабалар ахборотни ўзлаштиришлари, йиғишлари, қайтадан тузишлари, мослаштиришлари ёки эътиборга олмасликлари мумкин. Бу ҳол талабалар томонидан: “Бу ахборот мен учун қандай аҳамиятга эга?”, “Мен бу билимлардан қандай фойдалана оламан?”, “Ушбу билим мен ўзлаштирган билимлар билан қандай муносабатга киришади?”, “Бу ахборот фойдалими?”, “Мен бу фикрларга қандай қарайман?”, “Бу фикрларнинг амалга оширилиши менга ва бошқаларга нисбатан қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкин?” деган саволлар берилганда юз беради.

“Танқидий фикрлаш” атамасидан педагог муҳитда бир неча ўн йиллардан бўён фойдаланиб келинади ва турли педагоглар бу тушунчани ҳар хил тушунади. Кўпчилик ўқитувчилар ва методистлар учун танқидий фикрлаш “юқори тартибдаги” фикрлашни билдиради, яъни ўрганиш қобилиятларининг сўнгги поғонасида туради. Фалсафий кўникмалари тушунилади. Унинг ёрдамида талабалар диққат билан ўқиш, чуқур мунозарала нуқтаи назардан танқидий фикрлаш деганда, одатда, мантиқий фикрлаш ва исботлаш ва ёзувда ўз фикрларини аниқ ва ўйлаб ифода этиш имконини оладилар. Адабий таълимга татбиқан матннинг таркибий қисмларини ажратишга ва матннинг китобхон учун таъсир қилиш усулларини танқидий қайта мушоҳада этишга ҳамда муаллиф асарни яратишда амал қилган сабабларни аниқлашда ёрдам берадиган матнга ёндашиш “танқидий” ҳисобланади. Бизнингча, “танқидий фикрлаш” атамасига тўлиқ таъриф беришга интилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу рўйхат чексиз, чунки у аслини олганда кишининг бутун заковат имкониятлари рўйхатидир.

Д.Халперн индивиднинг танқидий фикрлаши билан алоқадор қатор сифатларни ажратиб кўрсатади. Мазкур сифатларга қуйидагилар киради: 1) режалаштиришга тайёрлик; 2) эгилувчанлик; 3) қатъийлик; 4) ўз хатоларини тўғрилашга тайёрлик; 5) шахсий мулоҳазаларини англаш ва ва таҳлил қилиш; 6) ўзаро келишувга асосланган қарорларни излаб топиш [9. Б. 56].

Америкалик тадқиқотчи, профессор Д.Клустер танқидий фикрлашнинг қуйидаги ўзига хосликларини ажратиб кўрсатган:

1) танқидий фиклар бу, энг аввало, мустақил фикрлашдир;

2) ахборот танқидий фикрлашнинг бошланиши, лекин сўнгги нуқтаси эмас;

3) танқидий фикрлаш саволларнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони аниқлашдан бошланади;

4) танқидий фикрлаш ишончли далилларга интилади;

5) танқидий фикрлаш ижтимоий фикрлашдир [10. Б.7 – 11].

Биринчидан, танқидий фикрлаш – бу мустақил фикрлашдир.

Машғулот танқидий фикрлаш тамойиллари бўйича яратилар экан, ҳар бир иштирокчи бошқаларникидан мустасно ҳолда ўзининг ғояси, баҳоси ва ишончига эга бўлади. Ҳеч ким биз учун танқидий фикрлаб бермайди. Биз фақат ўзимиз учунгина бундай фикрлай оламиз. Демак, фикрлаш якка тартибли тавсифга эга бўлганидагина, уни танқидий фикрлаш деб аташ мумкин. Талабалар ўз ақли, фикрлаши ва энг мураккаб саволларга ҳам ўзлари жавоб топиш эркинлигига эга бўлиши керак. Қандай фикрлаш зарурлигини ҳар бир талаба ўзи учун ўзи ҳал қилади. Шундай қилиб, мустақиллик танқидий фикрлашнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Иккинчидан, ахборот танқидий фикрлашнинг натижаси эмас, балки унинг бошланишидир. Билим одамни танқидий фикрлашга ундовчи мотив бўлиб ҳисобланади. Профессор Б.Ходжаев ўзининг маҳорат дарсларида кўп таъкидлаганидек, “бўш бош фикрлай олмайди: фикрлаш учун билимлар захирасига эга бўлиш лозим!” Мураккаб масалаларга ечим топиш учун зарурий “хом ашё” – далиллар, ғоялар, матнлар, назариялар, маълумотлар, концепцияларни қайта ишлаш зарур.

Учинчидан, танқидий фикрлаш, саволнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони аниқлашдан бошланади. Инсоният ўз табиатига кўра қизиқувчандир. Биз бирон-бир янгиликни сезар эканмиз, албатта, унинг моҳиятини билишни хоҳлаймиз. Қандайдир тарихий обидани кўрар эканмиз, бизда унинг ичкарисига кириш истаги пайдо бўлади.

Тўртинчидан, танқидий фикрлаш ишончли далилларга интилади. Танқидий фикрловчи киши муаммога ўзи шахсий ечим излаб топади ва бу қарорни оқилона, асосли далиллар билан мустаҳкамлайди. У бошқа қарорлар бўлиши мумкинлигини ҳам тан олади, лекин ўзи танлаган қарор бошқаларга нисбатан энг мантиқий ва оқилона эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Бешинчидан, танқидий фикрлаш – ижтимоийлик билан боғлиқ бўлиб, кундалик фаолият учун ҳам муҳимлик касб этади. Ҳар қандай фикр, агар у бошқалар билан ўртоқлашилгандагина ўткирлашади. Баҳслашувда, ўқиганимизда, муҳокамада иштирок этганимизда, эътироз билдирганимизда, бошқалар билан фикр алмашганимизда биз ўз нуқтаи назаримизни аниқлаштирамиз ва уни чуқурлаштирамиз. Шунинг учун ҳам танқидий фикрлаш йўналишида ишлаётган педагоглар ўз машғулотларида жуфтликда ёки гуруҳларда ишлашнинг турли шаклларидан фойдаланишга, бун-

да дебат ва мунозаралардан самарали фойдаланишга ҳамда талабалар ёзма ишларини намойиш қилишнинг турли кўринишларидан фойдаланишга интиладилар. Умуман олганда, ҳар қандай танқидий фикрловчи шахс жамоа билан ишлаш қобилиятига эга бўлади ва фақат ўз имкониятларига нисбатан анчагина кенг кўламдаги вазифаларни ҳал қилади.

Шунинг учун ҳам танқидий фикрлаш йўналишида ишлайдиган ўқитувчи: вазминлик, бошқаларни эшитишга ўрганиш, ўз фикрига жавобгарлик каби ўзаро самарали фикр алмашиш учун зарур бўлган сифатларни шакллантиришга кўпроқ эътибор беради. Шундай қилиб, бу ўқитувчилар ўқув жараёнини аудиториядан ташқарида кечаётган ҳақиқий ҳаётга яқинлаштиришга эришадилар.

Танқидий фикрлаш ёзма ишда яққолроқ намоён бўлади. Ёзувда фикрлаш жараёнини кузатиш мумкин бўлади ва бу ўқитувчи учун ҳам қулайлик яратади [11]. Ёзаётган талаба доимо фаол бўлади. У доим мустақил фикрлайди ва бунда у ўзида мавжуд бўлган барча билимлардан фойдаланади. У ўз фикрини мустаҳкамлаш учун етарли даражадаги ишончли далилларни қаторлаштириб ташлайди. Бундан ташқари, у ўз табиати жиҳатидан ижтимоий характерга эга бўлади. Чунки хат ёзувчи, уни ўқийдиганга мўлжаллаб ёзади. Талаба учун энг қимматлиси – ўқитувчининг унинг ишига қизиқиши ва унга ҳурмат билан қараши, ўз фикрлари тўғрисида курсдошлари, бошқа ўқитувчилар, ота-оналар ва ҳатто нотаниш кишилар билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлганлигидир. Шунинг учун ёзишни танқидий фикрлашнинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблаш мумкин.

Танқидий фикрлаш асослари уч босқич (фаза) дан иборат бўлади, булар: чақириқ (даъват), англаш, фикрлаш (мулоҳаза) босқичларидир.

Танқидий фикрлаш “чақириқ” деб аталадиган босқичдан бошланади, унинг давомида талабаларнинг қизиқиши уйғонади, зарур саволлар туғилади ва бундай билимларни олиш учун сабаблар шаклланади. Шундан кейин маънони англаш босқичи келади, унинг давомида талабалар излаш учун рағбат оладилар, баъзи ҳолларда бунга ўрганадилар ҳам. Фикрлаш босқичи юқори нуқта бўлиб ҳисобланади, мазкур жараёнда талабаларга ўз билимларини умумлаштириш, билиб олган нарсаларни мавжудлари билан таққослаш, эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини реал вазиятларда қўллаш, мунозараларда иштирок ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш кабилар тақдим этилади.

Чақириқ босқичининг аҳамияти шундан иборатки, унда янги билимлар, ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш анча кучли бўлади. Чақириқ босқичида фаолиятнинг бир нечта билим бериш турлари амалга оширилади. Биринчидан, таълим олувчи мазкур мавзу тўғрисида билганларини тиклашда фаол иштирок этади. Бу эса уни ўз билимларини таҳлил қилишга ва тез орада батафсил кўриб чиқиладиган мавзу ҳақида ўйлашни бошлашга ундайди. Бошқа иккита босқич тушунтирилганидан кейин дастлабки ҳаракатнинг аҳамияти яна ойдинлашади.

Ўқитиш жараёни – янгиларини маълум бўлганлари билан қайта алоқасини таъминлаш жараёнидир. Талабанинг янги тасаввурлари мавжуд билимлари ва аввал идрок этилганлари асосида қурилади. Талабаларга мавжуд билим ва тасаввурларини тиклашга ёрдам бериб, янги ахборотларни узоқ муддат эслаб қолиш учун кенг асослар яратиш мумкин.

Чақириқ босқичининг иккинчи мақсади – ўрганаётганларни фаоллаштиришдан иборатдир. Таълим алоҳида интилиш ва изланишни талаб этадиган фаолият туридир.

Талабалар янги ахборотни онгли, пухта тушунишлари ва янги ахборотга танқидий ёндашишлари учун таълим жараёнида фаол қатнашишлари керак. Талабалар кўзланган мақсад асосида ўйлаб, фикрларни ўз сўзлари билан ифодалаш орқали янада фаоллашади. Билимларни намойиш қилиш (ўзига ва шеригига) оғзаки ёки ёзма нутқ ёрдамида фаол фикрлаш орқали содир бўлади. Шундай қилиб, аввал эгалланган билимлар англаш даражасига олиб чиқилади. Энди улар янги билимларни ўзлаштириш учун негиз бўлиши мумкин. Бу эса талабаларга янги ахборотни аввалдан маълум бўлганлари билан самарали боғлашга имконият беради, чунки тушуниш учун контекст пайдо бўлди.

Чақириқ босқичининг учинчи мақсади – бунда таклиф этилган мавзуни кўриб чиқишга қизиқиш уйғотилади ва таълимий мақсад аниқланади. Қизиқиш ва мақсаднинг аниқлиги талабаларнинг фаоллигини янада оширади. Мақсадни аниқлаш ўқитиш жараёнининг энг муҳим таркибий асосидир.

Англаш босқичида янги маълумот даъват босқичида фаоллаштирилган ахборот билан боғланади. Мазкур босқичнинг асосий вазифаси, биринчидан, чақириқ босқичида яратилган қизиқиш ва ҳаракатланиш суръатини, фаолликни қўллаб-қувватлашдан иборат. Унинг иккинчи муҳим вазифаси талабаларда ўз тушунишини кузатишга доир интилишларини қўллашдан иборатдир. Субъектнинг ички ҳиссиётларини ўзи томонидан таҳлил қилиниши ва баҳоланиши рефлексия (баъзан метакогнитивлик) деб аталади. Мазкур босқичнинг энг муҳим вазифаси эса янги ўқув материалининг тушунилишига эришишдан иборатдир.

Фикрлаш босқичида билимлар мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича тўлиқ тасав-

вур шаклланади ва “саводхонлик” даражасининг ошишига эришилади. Талаба ўзининг мустақил ўқув мақсадига эришгандагина бундай ўзгариш содир бўлиши мумкин. Фикрлаш босқичида бир нечта муҳим мақсадларга эришиш режалаштирилади. Биринчи навбатда, талабалар янги фикр ва ахборотларни ўз сўзлари билан ифодалашга ҳаракат қилиб кўришлари керак. Чунки тушунилганларини талабалар ўз сўзлари билан ифодалаб, қайта ифодалаб беришгандагина у шахсий англанган моҳият касб этади. Фикрлаш босқичининг иккинчи мақсади талабалар ўртасида фикрлар жонли алмашинувига эришиш ҳисобланади, бу уларга ўз сўз бойлигини кенгайтиришга ҳамда бошқа талабаларнинг тасаввурлари билан танишишга имкон беради.

Қуйида танқидий фикрлашнинг мазкур босқичлари билан боғлиқликда қўллаш мумкин бўлган айрим методикаларга тўхталиб ўтамиз.

Йўналтирувчи ўқиш/идрок этиш. Мазкур методика асосини медиаматнни чуқур тушунишга имкон берувчи саволлар тизими ташкил этади. Саволлар эса, ўз навбатида, медиаматнга мунтазам диққат қаратишни талаб этади. Айнан шунинг учун саволлар ахборот билан ишлашда катта роль ўйнайди. Шу сабабли саволлар турли даражаларда (тушунишдан баҳолашгача) бўлиши, тасаввурни ривожлантиришга имкон бериши ва муаллифлик медиаматн мантиқини кўра олишга йўналган бўлиши лозим. Саволларнинг очиқ тавсифга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Башоратлар чизмаси. Мазкур методика медиаматнларни фаол идрок этиш ва уларни чуқур таҳлил этишга йўналтирилган. Бунга эса медиаматннинг деталлари ва сабаб-оқибат муносабатларини таҳлил этиш, матнда баён этилган фикрлар ва реал ҳодисаларни таққослаш орқали воқеликнинг ривожланишини башоратлашни рағбатлантириш ҳисобига эришилади. Методиканинг асосини ахборотни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва баҳолашга доир фаолиятни ташкил этиш ҳамда натижаларни ёзма шаклада қайд этишга имкон берувчи уч қисмдан иборат жадвал ташкил этади.

Жадвалга киритилган саволлар моҳиятига кўра тушунтириш механизмига асосланган китобхоннинг медиаматн билан ички диалог чизмасини юзага келтиради. Мазкур методикадан мазмунан қисмларга ажратиш ҳамда воқелик ривожини турлича талқин этишга имкон берадиган хилма-хил ҳодисаларга ва кутилмаган сюжетларга бой медиаматнлар билан ишлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Медиаматн муаллифига саволлар. Мазкур методика ўқиш/идрок этиш жараёнида фаоллик ва мулоҳазакорликни таъминлаш учун китобхонни муаллиф билан доимий диалогга киришиш қобилиятини ривожлантиришга имкон беради. Мазкур методика чизмасида кўзда тутилганидек, ўқилганларини идрок этиш ва фикрлашда тўхталиш қилиш, ўз-ўзига савол бериш ва медиаматнни турли қисмларидан унга жавоб излаш орқали фаол китобхонлик кўникмасини шакллантиради. Мазкур методикадан моҳияти тўлиқ очиб берилмаган, қўшимча изоҳлар талаб этувчи саволларни пайдо қилувчи муаммоли медиаматнлар билан ишлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, медиатаълим шароитида талабаларда танқидий фикрлаш маданиятини ривожлантириш орқали XXI аср учун муҳим қуйидаги кўникмаларни жадал таркиб топтиришга эришилади:

- талабаларнинг фикрлашини фаоллаштириш;
- ўқув-билув мақсадини мустақил қўя олиш;
- фаол мунозара муҳитини яратиш;
- ўқишга қизиқишни ошириш;
- мустақил ўқув-билиш фаоллигини ошириш;
- фикр юритиш жараёнини рағбатлаш;
- ахборотларни таҳлил этиш, умумлаштириш, баҳолаш ва қайта ишлаш;
- аналитик ва алтернатив тафаккурни ривожлантириш ва ҳ.к.

Адабиётлар

1. Бабаджонов С.С. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш (“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш мисолида): педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Тошкент, 2018. – 45 б.

2. Иванов Д.А., Митрофанов К.Г., Соколова О.В. Компетентностный подход в образовании. Проблемы, понятия, инструментарий. – Москва: Изд-во АПК и ППРО, 2005. – 101 с.

3. Равен Дж. Компетентность в современном обществе. – Москва: КОГИТО-ЦЕНТР, 2002. – 120 с.

4. Fedorov A. Media Education and Media Literacy: Experts’ Opinions. In: MENTOR. A Media Education Curriculum for Teachers in the Mediterranean. Paris: UNESCO, 2003. – 15 p.

5. Рустамова Н.Р. Умумий ўрта таълим муассасалари талабалари медиамаданиятини ривожлантириш технологияси (7-9-синфлар мисолида): педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Тошкент, 2019. – 42 б.

6. Педагогический энциклопедический словарь /Гл.ред. Б.М.Бим-Бад. – Москва: Большая Российская энциклопедия, 2003. – 528 с.

7. Столбникова Е.А. Развитие критического мышления студентов педагогического вуза в процессе медиаобразования (на материале рекламы). – Таганрог: Изд-во Кучма, 2006. – 160 с.

8. Федоров А.В. Развитие медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогического вуза. – Москва: Издательство МОО ВПП ЮНЕСКО “Информация для всех”, 2007. – 616 с.

9. Халперн Д. Психология критического мышления. – Санк-Петербург: Издательство: “Питер”. 2000. – 220 с.

10. Темпл Ч., Мередит К., Стил Дж. Как учатся дети: Свод основ. – Москва: Издательство института “Открытое общество”, 1997. – 105 с.

11. Технология развития критического мышления в вузе: перспективы для школьного образования XXI века. – Н.Новгород: Издательство “Арабеск”, 2001. – 272 с.

DEVELOPING CRITICAL THINKING IN STUDENTS IN THE PROCESS OF MEDIA EDUCATION

A.P.Khujamkulov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya. Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 2(46). 66 – 72.

[1]Namangan State University, Namangan, 160119, str. Uychi, 316 (Usbekistan). E-mail: nvsu_info@edu.uz

Keywords: media, education, media education, media literacy, media news, media text, thinking, criticism, attitude, critical thinking.

The article highlights the need and opportunities for developing critical thinking in students in the process of media education.

The author reveals the conceptual basis for developing a critical attitude to media news and texts as the main goal of media literacy.

Many leading experts in the field of media education have interpreted the concept of media competency (media literacy) (the results of the survey show that 84.27% of experts acknowledge that the first important goal of media education is to develop critical thinking) as follows: “media literacy helps students approach it from a critical point of view through understanding the importance of media in their life. The media literate student critically and consciously evaluates media texts, supports a critical attitude to popular culture, and is able to resist media manipulation”.

Education aimed at developing media literacy should provide students with the following opportunities: developing the ability, knowledge and attitudes necessary to master analysis, methods that actively help understand media reality; developing the level of appreciation of media texts and aesthetic perception; being able to re-encode cultural values, practical significance, ideas and content in media texts for understanding and evaluation; being able to understand, analyze and technically apply a variety of media texts; understanding that the author of a media text creates it on the basis of many – economic, political, organizational, technical, social and cultural motives; understanding that everyone approaches the process of selecting and analyzing media texts based on their own interests. This process and the essence associated with it are related to psychological, social and natural factors.

The main requirements for the organization of the educational process aimed at developing media literacy and the content and pedagogical conditions for the development of critical thinking in students in the context of information globalization have been described.

Nowadays, many educators are focusing on the use of developmental technologies, including the development of critical thinking. The pedagogical encyclopaedic dictionary explains that thinking is “a mental process in which the search for and discovery of something new has a social relationship directly with speech, a process of direct and generalized reflection of existence during analysis and generalization. Thinking occurs when emotional cognition starts transforming into practical activity”. [Pedagogical encyclopaedic dictionary]

It is well known that the process of thinking of modern man is directly related to information: print, audiovisual: “thinking requires power, choice, reasoning. If this process is not sufficiently developed, then people will have difficulty thinking independently. They can not assess the level of reliability of the evidence [Noel-Tsigulskaya, 2000].

References

1. Babadjonov, S.S. (2018) Pedagogika oliy ta'lim muassasasi talabalarining mediakompetentligini rivojlantirish ("Informatika va axborot texnologiyalari" fanini o'qitish misolida) [Development of media competency of students of pedagogical higher educational institutions (on the example of teaching the subject "Information and Computer Technology")]. Dissertation of the doctor of philosophy (PhD) in pedagogical sciences. Tashkent.

2. Ivanov, D.A., Mitrofanov, K.G., Sokolova, O.V. (2005) *Kompetentnostnyj podhod v obrazovanii. Problemy, ponyatiya, instrumentarij* [Competence-based approach to education. Problems, concepts, tools]. Moscow: Izdatel'stvo APK and PPRO.

3. Raven, J. (2002) *Kompetentnost' v sovremennom obshchestve* [Competency in modern society]. Moscow: KOGITO-CENTRE.

4. Fedorov, A. (2003). Media Education and Media Literacy: Experts' Opinions. In: *MENTOR. A Media Education Curriculum for Teachers in the Mediterranean.* Paris: UNESCO.

5. Rustamova, N.R. (2019) Umumiy o'rta ta'lim muassasalari o'quvchilari mediamadaniyatini rivojlantirish texnologiyasi (7-9-sinflar misolida) [Technology for the development of media culture of secondary school pupils (on the example of grades 7-9)]. Dissertation of the doctor of philosophy (PhD) in pedagogical sciences. Tashkent.

6. Bim-Bad, B.M. (ed.) (2003) *Pedagogicheskiy entsiklopedicheskiy slovar* [Pedagogical encyclopaedic dictionary]. Moscow: Bol'shaya Rossijskaya enciklopediya.

7. Stolbnikova, E.A (2006). *Razvitie kriticheskogo myshleniya studentov pedagogicheskogo vuza v processe mediaobrazovaniya (na materiale reklamy*). [Development of critical thinking of students of pedagogical higher educational institutions in the process of media education (on the example of advertising materials)]. Taganrog: Izdatel'stvo Kuchma.

8. Fedorov, A.V. (2007) *Razvitie mediakompetentnosti i kriticheskogo myshleniya studentov pedagogicheskogo vuza* [Development of media competency and critical thinking of students of pedagogical higher educational institutions]. Moscow: Izdatel'stvo MOO VPP UNESCO "Information for all".

9. Khalpern, D. (2000) *Psihologiya kriticheskogo myshleniya* [Psychology of critical thinking]. St. Petersburg. Izdatel'stvo "Piter".

10. Temple, Ch., Meredith, K., Still, J. (1997) *Kak uchatsya deti: cvod osnov*. [How children learn: Summary of bases]. Moscow: Izdatel'stvo instituta "Otkrytoe obshchestvo".

11. *Tekhnologiya razvitiya kriticheskogo myshleniya v vuze: perspektivy dlya shkol'nogo obrazovaniya XXI veka* (2001) [Development technology of critical thinking in higher educational institutions: perspectives for school education in the 21st century]. N.Novgorod: Izdatel'stvo "Arabesk".

Муаллиф ҳақида маълумот:

Хужамкулов Азиз Пиримкулович – Наманган давлат университети докторанти. E-mail: aziz_xuja@mail.ru